



Хар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддаси.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Хабар

41
(786)-son

12-oktabr

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2007

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

● Алоқа оламида: **ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИК!**

“Арктел” телекоммуникация компанияси «Слово-Номер» бренди остида Москва шаҳрида ҳарfli телефон рақамларини сотишни бошлади. «Сўз-Рақам» одатий телефон рақамларидан фақат рақамлар (661-2265) билан эмас, балки исталган замонавий мобил ёки стационар телефон тугмаларида мавжуд бўлган ҳарфлар (661-BANK) орқали ҳам ифодаланиши билан фарқланади.

“Чиройли” рақамлар захираси тугай бошлашига ҳамоҳанг равишда «Сўз-Рақам»-ларнинг баҳоси ва уларга бўлган талаб оша бошлаши кутилмоқда. 661-IDEA (661-4332) рақамини харид қилган «Idea Group» коммуникация компанияси «Арктел»-нинг биринчи мижози сифатида рўйхатга олинди.

23 ДЕКАБР — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш йўлидаги муҳим босқичдир.

Жойларда республикаимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг пленумлари ўтказилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш учун партияларнинг съездларини чақириш ва номзодларни съезд муҳокамасига қўйиш тўғрисидаги қарорлари қабул қилинмоқда. Жумладан, “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий кенгашининг биринчи котиби, ушбу партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Дилором Тошмухамедовани, Фидокорлар миллий демократик партияси Марказий кенгашининг биринчи котиби, ушбу партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Аҳтам Турсуновни, “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгашининг раиси, ушбу партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Хуршид Дўстмухамедовни, Ўзбекистон халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамовни, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Ислом Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод қилиб кўрсатиш учун съездлар муҳокамаларига қўйиш ҳақида қарорлар қабул қилинди. Шунингдек, аҳолининг турли қатлами вакилларида иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилиши Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси Акмал Саидовни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 9 ва 14-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов округлари тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Унга кўра, Марказий Сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округларини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида тузди.




**ON-LINE
БИЗНЕС**

XX аср мўъжизаси ҳисобланган интернетнинг бугунги ахборотлашган жамият ҳаётида нечоғлик муҳим рол ўйнашини ортиқча таърифлашга ҳоҳат бўлмаса керак. Интернет тармоғи ривожланган сари унинг имкониятлари ҳам кенгайиб, жамиятнинг барча соҳаларига тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Жумладан, тижорат ёхуд бизнес соҳаси ҳам бундан мустасно эмас.

5-БЕТ



UzNet
Internet Service Provider
— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернет

JUMADAN — JUMAGACHA

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 5-6 октябр кунлари Тожикистон Республикаси пойтахти Душанбе шаҳрида бўлиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида ҳамда Евроосий иқтисодий ҳамжамияти Давлатлараро кенгашининг мажлиси ва Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессиясида иштирок этди.**

5 октябр кuni бўлиб ўтган Душанбе саммитида асосий диққат-эътибор МДҲни янада ривожлантириш концепцияси ҳамда уни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган чора-тадбирлар режасига қаратилди. Музокаралар якунида президентлар томонидан мазкур икки ҳужжатнинг имзоланиши ушбу олий даражадаги учрашувнинг асосий натижаси бўлди.

Журналистлар билан учрашувда музокара самарали бўлгани, очкилик ва ўзаро ишонч руҳида, ишчан кайфиятда ўтгани таъкидланди. МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашига раҳбарлик Қирғизистон Республикасига ўтгани, Россия Федерацияси вакили Сергей Лебедев Ҳамдўстлик Ижроа қўмитаси раиси этиб тайинлангани маълум қилинди.

6 октябр кuni Евроосий иқтисодий ҳамжамияти Давлатлараро кенгашининг мажлиси ҳамда Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси ҳам бўлиб ўтди.

✓ **Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари пахтакорларига табриги чоп этилди.**

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 9 октябр кuni Оқсаройда "General Motors Europe" ("GME") компанияси президенти Карл Петер Фостер ва "GM Daewoo Auto & Technology" ("GMDAT") компанияси президенти Майкл Грималдини қабул қилди. Сўхбат чоғида Ўзбекистон корхоналари билан "GME" ва "GMDAT" компаниялари ўртасидаги ҳамкорлик истикболларига оид масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.**

✓ **Мамлакатимизга таширф буюрган "General Motors Europe" компанияси президенти Карл Петер Фостер ва "GM Daewoo Auto & Technology" компанияси президенти Майкл Грималди 8 октябр кuni Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Рустам Азимов ва Қувондиқ Санақулов билан учрашди. Музокараларда "ЎзДЭУавто" акциядорлик жамияти негизда "Шевроле" автомобилларини ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича "GM Ўзбекистон" қўшма корхонасини ташкил этиш масаласи кўриб чиқилди.**

Шу кuni "Ўзэкспомарказ"да "Шевроле"нинг "GM Ўзбекистон" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган янги ва замонавий русумдаги автомобилларининг тақдимот маросими ўтказилди.

✓ **Тошкентда 9 октябр кuni Ўзбекистон ва Латвия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг бир қатор компания ва корхоналари ҳамда Латвия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди.**

✓ **Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида "Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури" танловининг 2007-2008 ўқув йили галибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Танлов якунига кўра, юз нафар энг иқтидорли талаба стипендияга муносиб деб топилди. Уларга дипломлар топширилди.**

ТАЙИНЛАШ

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директорининг буйруғига биноан "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директорининг ўринбосари Хатиря Шаменовна ТАД-ЖИБАЕВА 2007 йил 27 сентябрдан Жамият бош директорининг биринчи ўринбосари лавозимига ўтказилди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директорининг буйруғига биноан Равшан Маратович АТАБАЕВ 2007 йил 28 сентябрдан Жамият бош директори ўринбосари этиб тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг жорий йил 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.



Тўққиз ой якунларига бағишланди

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 февралдаги йиғилишидаги 2006 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2007 йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари тўғрисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларни бажариши, ахборот тизимлари ва телекоммуникация соҳасида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш борасида амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратилди.

Ҳисобот даврида соҳа корхоналари норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш, корхоналарни хусусийлаштириш, хорижий, жумладан, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш, молиявий ва ижро интизомини мустаҳкамлаш, хизматлар турларини кўпайтириш, ахборот-коммуникация технологиялари ва телекоммуникация тармоқлари тизимларини модернизация қилиш ва ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилгани таъкидланди.

Жорий йилнинг тўққиз ойи натижалари бўйича Комплекс таркибига кирувчи соҳаларда 624,4 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Бу 2006 йилнинг шу давридагига нисбатан 142,9 фоиз кўп, демакдир.

Инвестиция дастури ижроси ва

Ҳисобот даврида мобил алоқаси абонентларининг сони 4,52 миллионга етган, интернет тармоғи хизматидан фойдаланувчилар сони эса 1,9 миллиондан ортган.

экспорт кўрсаткичларининг бажарилиши таҳлил қилинди ва мутасадди раҳбарларнинг ушбу вазифаларни бажариш бўйича масъулиятини кучайтириш ҳамда 2008 йил учун тайёрланаётган хорижий инвестициялар дастури таркибига тўғридан-тўғри инвестициялар салмоғи ва миқдорини ошириш қайд этилди.

Йиғилишда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларининг татбиқ этилиши, давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳўкимият органлари томонидан, шунингдек, ҳудудларда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда-

ги тафовутларни қисқартириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Таълим муассасаларидаги ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси ўқитувчилари салоҳиятини ушбу соҳанинг тез суръатларда ўзгариб бориш тенденциясини ўзлаштириш ва ўқув жараёнига татбиқ этиш, шунингдек, масофадан ўқитиш ва педагог ҳодимларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш бўйича ишларни жадаллаштириш борасида тегишли топшириқлар берилди.

Ахборот-коммуникация технологиялари ва матбаа соҳаларида хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, жумладан, қишлоқ жўйларига телекоммуникациялар соҳасида кичик тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантириш ҳамда на-шириб-матбаа ижодий уй-

лари қошида аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларини ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишларга эътиборни янада кучайтириш топширилди.

Мажлисида, шунингдек, ижро интизомини мустаҳкамлаш, Комплекс таркибидagi идоралар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш, ҳодимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, устувор давлат дастурларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗА

ANJUMAN

Мамлакатимизда аёллар ва болалар саломатлиги, оила мустаҳкамлиги, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, аёллар сиёсий фаоллигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Мақсад — аёллар фаоллигини ошириш

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Хотин-қизлар қўмитасини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлашда "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалида фаолият юритаётган бошланғич хотин-қизлар қўмитаси аъзоларининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Маълумки, бошланғич хотин-қизлар қўмитасининг асосий вазифасига филиал ва унинг тасарруфидаги боғламаларда хизмат қилаётган хотин-қизларни ҳимоялаш, иш унумдорлигини яхшилашда уларнинг фаоллигини ошириш, маънавий ва жисмонан соғломлаштириш, дам олишларини ташкил этиш, спортга жалб қилиш, нафақадаги аёллардан хабар олиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш каби масалалар қиради.

Яқинда филиал бошланғич хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот-сйллов конференцияси бўлиб ўтди. Анжуман давомида хотин-қизлар қўмитасининг ҳисоботи, хотин-қизлар кенгаши таркибини сайлаш, Тошкент шаҳар Миробод тумани хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот-сйллов конференциясига филиалдан делегат сайлаш масалалари кўриб чиқилди.

Филиал бошланғич хотин-қизлар қўмитасининг биринчи мажлисида қўмитанинг янги раиси сайланди ҳамда иш режаси тасдиқланди. Хотин-қизлар қўмитаси раислигига филиалнинг алоқа хизматидан фойдаланувчи истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилиш бўлими бошлиғи вазифасида фаолият кўрсатиб келаётган Нафиса Аҳмедова сайланди.

**Шоира ТУРСУНОВА,
Гулчҳра КЕНЖАОХУНОВА,
"ТШТ" филиали ҳодимлари**

Комиссия йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Радиочастоталар бўйича давлат комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасини «Радиочастоталар тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига мувофиқ радиочастота органларида радиочастоталарнинг ягона регистрини яратиш бўйича дастурий мажмуадан таҳриба учун фойдаланиш натижалари ҳақида ахборот тингланди. Шунингдек, 2006-2009 йилларда алоқа ва телекоммуникация соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш режасига мувофиқ ишлаб чиқилган ушбу Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Радиочастоталардан самарали фойдаланиш ҳамда вазирлик ва идораларда янги технологияларни жорий этишни жадаллаштириш мақсадида 3,4 – 3,6 ГГц диапазонда ва бошқа радиочастоталар полосасида каналлар ажратиш ва қайта тақсимлаш бўйича қарорлар қабул қилинди.

Таҳриба учун фойдаланиш натижалари бўйича 5 ГГц диапазонда маълумотлар узатиш тармоғи симсиз радиоуланниш тизимини ташкил этиш учун частоталар ажратиш ҳақида қарор қабул қилинди.

«CDMA-450 стандартидаги РЭВ ҳамда 450 МГц диапазонда ишлаётган турли мақсадларга мўлжалланган РЭВларнинг частота-ҳудудий тарқоқлиги нормалари» тўғрисидаги норматив ҳужжат кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Шунингдек, радиоэлектрон воситаларни республика ҳудудига ҳам сотиш, ҳам юридик шахсларнинг ўз эътиёжлари учун олиб кириш ва фойдаланиш масалалари бўйича ҳам қарор қабул қилинди.

Комиссия йиғилишида радиочастоталар спектридан оқилана ва самарали фойдаланиш бўйича бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

OHAY'AT YIG'ILISHIDA

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Уни Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Избосаров олиб борди.

Йиғилиш кун тартибидagi "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг филиалларида, туманлар, шаҳарлар почта алоқаси тармоқларида, почта алоқаси бўлимлари ва почта алоқаси объектлари фаолиятларини мувофиқлаштиришда зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланганлик даражаси ва уларни фаолиятда татбиқ этилиши тўғрисидаги биринчи масала селектор орқали ўтказилди. Ушбу масала юзасидан "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори ўринбосари Ю.Мухчи ҳамда "ЎзАлоқаКонсалтинг" МЧЖ директори Т.Бикметовлар ахборот беришди.

Маърузачиларнинг таъкидлашларича, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланганлик ҳолатини яхшилаш мақсадида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан 2003 йилдан бери филиаллар ва уларнинг таркибий бўлимларини қонунчилик актлари ва норматив ҳужжатлар билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда.

Филиаллар, почта алоқаси тармоқлари ва почта алоқаси бўлимларининг норматив-ҳуқуқий актлар билан қай даражада таъминланганлигини ўрганиш мақсадида Жамият томонидан 2007 йил 1 январ ҳолатига кўра, норматив-ҳуқуқий актларнинг инвентаризацияси ўтказилди.

Мазкур инвентаризация натижалари ҳамда филиал ва уларнинг таркибий бўлимларининг норматив-ҳуқуқий актлар билан таъминланганлик ҳолатининг таҳлили бўйича жойларда мавжуд бўлмаган (87 номдаги) ҳужжатларга бўлган эҳтиёж аниқланиб, филиалларга ҳужжатларни босқичма-босқич етказиш ишлари ташкил этилди. Жорий йил давомида Жамият томонидан жами 103 номдаги 7,6 минг нусхадаги 5,5 млн. сўмлик норматив ҳужжатлар сотиб олинди ва филиалларга етказилди.

Жиззах филиали томонидан «ЎзАлоқаКонсалтинг» МЧЖ билан тўғридан-тўғри тузилган шартномага мувофиқ 500 минг сўмлик 282 нусхадаги норматив ҳужжат сотиб олинган.

Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази (ФТМТМ) билан тузилган шартномага биноан «Алоқа ва

МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА МЕҲНАТНИ МЕЪЁРЛАШ



ахборотлаштириш соҳасининг норматив ҳужжатлари маълумотлар банки» автоматлаштирилган тизими сотиб олинди ва серверга ўрнатилди. Бу барча филиалларга норматив ҳужжатларнинг маълумотлар банкига киришни таъминлайди ва жойларда мавжуд бўлмаган норматив ҳужжатларни ўз кучлари билан тўлдирish имконини беради.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ таркибий бўлимларини норматив-ҳуқуқий актлар билан таъминланганлик даражасини аниқлаш мақсадида жорий йил давомида Давлат алоқа инспекцияси томонидан ҳам 14та филиал, 90та почта алоқаси тармоғи, тўртта ишлаб чиқариш участкаси, 200та почта алоқаси бўлими текширилган. Ушбу текширишларда 2007 йил 1 сентябр ҳолатига, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ таркибий бўлимларининг қонунчилик актлари билан таъминланганлик ҳолати филиаллар бўйича 98,4 фоизни, почта алоқаси тармоқлари бўйича 99,0, алоқа бўлимлари бўйича 99,6 фоизни, норматив ҳужжатлар билан таъминланганлик филиаллар бўйича 97,5 фоизни, почта алоқаси тармоқлари бўйича 95,4, алоқа бўлимлари бўйича 91,2 фоизни ташкил этганлиги аниқланган.

Таъкидлаш жоизки, акция-

дорлик жамияти томонидан норматив ҳужжатларни жорий этиш бўйича ўтказилаётган тадбирларга қарамасдан, текширувлар алоқа ходимларининг норматив ҳужжат талаблари бўйича билимлари етарли даражада эмаслигини кўрсатди.

Ҳозирги вақтда Е-ХАТ хизмати-дан фойдаланувчилар сони 92тани ташкил қилади.

Йиғилишда "Электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжат айланиши тизимини амалга киритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Хукумати ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги қарорлари баҳарилишининг бориши тўғрисида"ги ҳамда "Соҳада акциядорлик компаниялар, жамиятлар ва уларнинг худудий филиаллари, корхона, ташкилот ва муассасалари томонидан меҳнатни меъёрлаш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида"ги масалалар ҳам кўриб чиқилди. Мазкур масалалар юзасидан ФТМТМ директори М.Махмудов ахборот берди.

Ўзбекистон Республикасининг "Электрон имзо тўғрисида"ги, "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги, "Электрон тижорат тўғрисида"ги

Қонунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 сентябрдаги "Электрон рақамли имзодан фойдала-

ниш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши электрон рақамли имзони (ЭРИ) қўллаш ва ЭРИ калитларини рўйхатга олиш марказлари ҳамда электрон ҳужжат айланиши тизимидан фойдаланган ҳолда, мамлакатда ЭРИ очiq калитлар инфратузилмасини ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий шароитларни яратди.

Агентлик қошидаги рўйхатга олиш марказларини рўйхатга олиш органи ва ФТМТМ қошидаги ЭРИ калитларини рўйхатга олиш маркази ўз фаолиятини 2006 йил 15 мартдан амалга ошира бошлади.

Бугунги кунда Рўйхатга олиш органи томонидан давлат рўйхатга олишининг иккита гувоҳномаси — ФТМТМ ва Давлат солиқ қўмитасининг янги технологиялар илмий-ахборот марказига берилди.

ФТМТМнинг ЭРИ калитларини рўйхатга олиш маркази томонидан 60дан ортиқ сертификатлар фойдаланувчиларга берилди. Давлат солиқ қўмитаси янги технологиялар илмий-ахборот марказининг рўйхатга олиш маркази ЭРИ калитлари сертификатларининг фойдаланувчилари сони 7,5 мингдан ошди. Миллий стандартлар асо-

сида ЭРИ калитларини рўйхатга олиш марказининг дастурий таъминоти ҳамда "UzNET" маълумотлар узатиш тармоғида қўлланилаётган ва Бухоро ҳокимиятида ўрнатилган Е-ХАТ муҳофаза қилинган электрон почта тизими ишлаб чиқилди. Ҳозирги вақтда Е-ХАТ хизматидан фойдаланувчилар сони 92тани ташкил қилади.

Жорий йилдан ФТМТМ ЭРИ калитларини рўйхатга олиш маркази томонидан SSL-сертификатларини бериш бўйича янги хизматнинг тақдим этилиши бошланди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2007 йил 14 февралдаги буйруғига кўра, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида IBM - Lotus Domino компаниясининг маҳсулоти асосида электрон ҳужжат айланиши (ЭХА) тизими ишга туширилди.

2005-2006 йилларда Агентлигининг 2005 йил 31 январдаги 24-сонли буйруғига асосан ФТМТМ томонидан АТС ускунасига техник хизмат кўрсатиш бўйича ишлаб чиқариш шtatининг норматив сонини ҳисоблаш услубини ишлаб чиқиш мақсадида илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Тадқиқотларни ўтказиш учун таянч корхона сифатида "Ўзбектелеком" АКнинг "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали белгилаб олинди.

Тадқиқотлар натижасида электрон АТС (ЭАТС)га техник хизмат кўрсатиш жараёнида ишлаб чиқариш ходимлари томонидан баҳариладиган функциялар ва уларнинг таркибига кирадиган амалиётларнинг рўйхати аниқланди.

ЭАТС ускунасига техник хизмат кўрсатиш бўйича ходимларнинг меҳнат сарфини тадқиқ қилиш услуби ишлаб чиқилди. Йиғилган статистик материалнинг таҳлили ўтказилди ва рақамли ускунага техник хизмат кўрсатиш функциялари бўйича меҳнат сарфининг структураси аниқланди. ЭАТС ускунасига техник хизмат кўрсатиш бўйича ишлаб чиқариш шtatининг норматив сонини ҳисоблаш услуби тайёрланди.

Айни пайтда ФТМТМда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ билан тузилган шартнома асосида почта алоқаси корхоналарида ишлаб чиқариш ходимлари сони нормативлари ва нормаларини ҳисоблаш бўйича йўриқномани ишлаб чиқиш бўйича ишлар бошлаб юборилган.

Ҳайъатда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

QAROR VA IJRO

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 июлдаги «Хитой Халқ Республикаси (ХХР) билан ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 февралдаги «ХХР компаниялари ва банклари билан ахборот ва телекоммуникация технологиялари соҳасида инвестиция ҳамкорлигини ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойишига асосан, республикамизда йўлдош тизими орқали телерадиодастурларни тарқатиш мўлжалланган бўлиб, лойиҳа доирасида Қашқадарё вилоятидаги теле ва радио сигналлари етиб бормайдиган 46та тоғ ва тоғорти қишлоқларида давлат телерадио дастурларини тарқатиш йўлга

Тоғликлар ташаккури

қўйилди.

Вилоятдаги ХХР имтиёзли кредити ҳисобидан режалаштирилган масканларда узатгичлар ўрнатилиб ишга туширилди. Ҳозирги вақтда, янгилик маҳаллий ахбороти қувонтирмай қолмади. Жумладан, Китоб тумани Юқори Аёқчи қишлоғи маҳалла фуқаролар йиғини раиси Н.Ҳамроев, фуқаролар Ш.Махмудов, С.Раҳматов, М.Олимов, С.Кўчаровлар, Паландарда қишлоғи Ваткана маҳалла фуқаролар йиғини раиси А.Фафоров, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Қашқадарё филиали ходими А.Ғамбарбердиев, халқ таълими ходими Й.Шокиров, Миришкор тумани Кўчудумалоқ кўрғонидан С.Холиқов, У.Аҳмедов ва

бошқалар Қашқадарё радиотелевизион узатиш марказига ҳамда бошқа мутасадди раҳбарларга ўзларининг миннатдорчилик мактубларини йўллаганлар.

Қашқадарё радиотелевизион узатиш маркази бошлиғи Акмал Шодмонов номига Китоб тумани ҳокимиятининг биринчи ўринбосари Ф.Бобоев имзоси билан келган миннатдорчилик мактубида шундай сатрлар бор:


«Китоб туманидаги олис, тоғли қишлоқларда республика телерадиодастурларини кўриш имконияти йўқлигидан, аҳоли томонидан норозиликлар билдирилиб келинмоқда эди.

Президентимизнинг 2005 йил 12 сентябрдаги «Сунъий йўлдош алоқа

тизимлари орқали телерадиозиттиришларни ташкил этиш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, Китоб туманидаги тоғли Деновола, Матмон, Аспидхўтар, Юқори Аёқчи, Пастки Аёқчи, Хонақо қишлоқларида телеузатгичлар ва радиозатгичлар ўрнатилиши натижасида ушбу қишлоқлар аҳолиси телерадиодастурларни кўриб ва эшитиб боришмоқда. Ҳозирги вақтда телерадиозатгичлар кўрсатилган барча қишлоқларда ишлаб турибди. Тоғли қишлоқлар аҳолиси Республикамиз Президентини томонидан эътиборга олинган ушбу хайри ишдан мамнун ва миннатдорлар»

Бу каби мактублардан яна қўллаб-қўлловчи келтириш мумкин.


Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Хабар"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири



Юртдошларимизни Рамазон ҳайити билан
муборакбод этади.

Сизларни ушбу Муборак кун билан қутлаётганимиздан
беҳад шодмиз.

Ишларингизда ривож, хонадонингизга тинчлик-
осойишталик, дастурхонингизга қут-барака тилаймиз.



ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини, жумладан,
алоқа соҳаси ходимларини

Рамазон ҳайити

билан қутлайди.

Ушбу муборак ойда қилган барча
тилак-истакларингиз
амалга ошишига ва фаолиятингизда
зафарлар ёр бўлишига
тилакдошмиз!

Эзгу ва гўзал амаллар сизни тарқатмасин!

ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ

ЖАМОАСИ

Муборак


РАМАЗОН ҲАЙИТИ

билан барча юртдошларимизни,
жумладан, алоқа ва
ахборотлаштириш соҳаси
ходимларини самимий табриклайди.

Азизлар!

Энг эзгу тилакларимизни сизларга
йўлаймиз. Барча орзу-истакларингиз
амалга ошсин, янгидан-янги
зафарлар ҳамиша ёр бўлсин.

**Хайрли амаллар доимий
йўлдошингизга айлансин!**



"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" ОАЖ АНДИЖОН ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Муборак

Рамазон ҳайити

билан барча
юртдошларимизни
самимий табриклайди.

Сизларга мустаҳкам
соғлиқ, оилавий
бахт-саодат, эзгу
ишларингизда улкан
муваффақиятлар
тилаймиз.

**Хонадонингиздан
файзу барака аримасин!**



(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

On-line бизнес... Сўнги ўн йил ичида ушбу тушунча анча оммалашиб кетди. Интернетнинг кибер оламида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар сони ҳам ҳайратланарли даражада ўсиб бормоқда. 2006 йил ҳисоб-китобларига кўра, АҚШда электрон тижорат ҳажми 100 миллиард доллардан ошиб кетган. Европада эса бу кўрсаткич 130 миллиард долларга етганлиги тахмин қилинмоқда.

қўллаб-қувватлашди. Ушбу йўналишнинг мақсади замонавий технологияга асосланган ва глобал характерга эга бўлган яна бир ахборот-реклама канални яратиш, мавжуд ва бўлажак ҳамкорлар билан алоқаларни осонлаштириш ва тезлаштириш, замонавий технологиялардан фойдаланувчи ташкилот сифатида компания имижини оширишдан иборат. Моҳияти: компания, унинг маҳсулотлари, хизматлари, нархлари, лицензиялари ва бошқалар ҳақида-

лардан юқори даромад олиш. Ушбу модел асосига қурилган лойиҳанинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун рекламадан тушадиган даромад, ҳеч бўлмаганда, компаниянинг барча харажатларини қоплаши зарур. Сабаби, бу модел тармоқ лойиҳалари ичида энг оммавийси бўлса-да, у интернетда рекламага бўлган талаб ва нарх тебранишларига нисбатан барқарор эмас.

Бўлажак бизнесни режалаштиришда яна бир зарурий

ПОСЧТАЧИ НАСАРЧИЛАР

Оппоқ кенгликлар бағрида

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали бошқаруви ҳамда барча шахар ва туман почта алоқаси тармоғи жамоалари пахта терими бошланганидан бери йиғим-теримда фаол иштирок этмоқдалар.



Бошқарув аъзоларидан ташкил топган гуруҳ ҳамда Фарғона тумани почта алоқаси тармоғи ишчи-хизматчилари тумандаги «Облаёр ота Миродил» ҳамда «Машраб ота Равшанбек» фермер хўжалиқларида етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб-териб олишда ёрдам бермоқдалар. Яқинда иккала хўжалик ҳам давлатга пахта топириш режаларини ортиги билан адо этди. Лекин ҳали далаларда ҳосил мўл. Шунинг учун ҳам қумушдек товланиб турган пахта-ларни нест-нобудсиз теришда почтачи-ҳашарчиларнинг ёрдамлари жуда-жуда зарур.

Пахтазорга қараб тўймайсиз. Оппоқ мусаффолик кўнглингиз осмонини ҳам ёритиб юборади.

— Қани, ҳеч ким халал бермаса-ю, ўзим териб олсам, — ёнгинамда пахта тараётган Манзураҳон айни меннинг ҳаёлимдан ўтиб, тилимнинг учидан турган гапни айтди. — Чаман-чаман очилган пахта жону дилим. Териб асло чарчамайман.

— Ажабо, октябрнинг ярми ўтиб қолди, биринчи теримга энди тушиляптими?!

— Йўқ, бу иккинчи терим экан, кеча айтишди. Қаранг, оп-поқ, — деди у чўзиб. — Лўппи, лекин беш чанокли пахтага кафт тўлади. Тоши оғир. Ўзи ям-яшил ўсимлик-ку, одамзодни кийинтиради. Аллоҳнинг немати.

— Лекин бултурлари пахта оз эди. Бу йил соз, — деди нарироқда пахта тараётган Ҳамидаҳон сўхбатга қўшилиб. — Тераверсанг, тераверсанг.

Поёни кўринмайдиган бу далаларда гурунглар ана шундай серзавқ ўтади...

Бу ерларни захматкаш, меҳридарё одамлар экин майдонларига айлантирганлар. Сатторбек Марасулов ва рафикаси Энаҳон опа Аҳмадалиева савоб амаллари билан кўнгиллари зийнатланганлар. Табиат кўйинида, ризқ-рўз сочиб қўйилган шу саховатли заминда ўн-ўн беш кун ишланганда, бир йилга еттулик куч-қувват тўпланган. Бу қандай куч, бу қандай қудрат эканлигини деҳқонлардан, ҳашарчи-почтачилардан сўранг. Мана улар: Дилором Ҳамидова, Қимматхон Умарова, Робохон Зиббидинова, Элира Нишоновна. Улар етмиш килограммга етказиб пахта теришяпти. Фарғоналик Манзураҳон Иброҳимова, Ҳамидаҳон Ҳошимова, Людмила Мажаева қабилар эса сал камроқ. Негаки, улар Фарғона шаҳридан қатнашади. Йиғитлар ичида эса Алиҳон Иброҳимов бошчилигида Ўқтам Холматов. Исломбек Назиров, Иброҳимов Сиддиқовлар бошқалардан қолишмаяпти.

Ҳафиза САЛЯХОВА,

“Хабар”нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

Мададкорлар

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қашқадарё филиалининг Китоб почта алоқаси тармоғи жамоаси ҳам шу кунларда пахтакорларга мададкор бўляпти. Йиғирма нафар почта ходими мавсум бошидан буюн “Юлдуз” фермер хўжалиги далаларида пахта термоқда.

Шуниси қувончлики, фермер хўжалиги давлатга 44 тонна ўрнига 49 тонна “оқ олтин” топириб, шартнома режаларини ошириб ўринлатди. Бу хирмоннинг бунёд этилишида почта ходимларининг хиссаси катта бўлди.

Хабарчилар кунига 1,2-1,5 тонна пахта теришяпти. Назир Алиев, Ботир Зарипов, Алламурад Раҳимов, Дўстмурод Хуррамов каби ҳашарчилар, айниқса, гайрат билан ишламоқдалар.

Хусан РАҲМОНОВ



СУРАТДА: кунига 80-100 килограммдан пахта териб, хирмонга муносиб улуш кўшаётган хабарчи Назир АЛИЕВ.

ON-LINE БИЗНЕС



Россия ва МДХ давлатларида On-line бизнеснинг товар айланиш ҳажми ҳали унчалик катта эмас. Экспертларнинг баҳолашича, 2006 йил сўнгида у 1,55 миллиард долларга тенглашган бўлса-да, ўсиш суръати йилга 30-50 фоизни ташкил этмоқда.

Умуман олганда, бунинг у қадар ажабланарли жойи йўқ. Сабаби; бугунги жамият кишилари ўз ҳаётини юқори технологиялар, жумладан, интернетсиз тасаввур қила олмайдилар. Қайсидир соҳанинг оммавийлиги ошар экан, ушбу соҳада тадбиркорлик қилиш шунчалик самарали бўлади. Интернет орқали даромад топишга бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганлиги сабаби ҳам шунда.

Кишиларни оғир меҳнатсиз, тезроқ бойиш усуллари ҳар доим қизиқтириб келган. Интернетда эса бундай имконият бисёр. Яъни, бу ерда ахборот даромад объекти сифатида юзага чиқади. Ахборот эса барчага бирдек зарур ва шу билан бирга, у ишлаб чиқариш ва тарқатишда жуда ҳам қўлай ҳамда камҳарajat воситадир.

Келинг, бир эслаб кўрайлик. Сайёрамиздаги энг бой кишилар кимлар? Албатта, булар ахборот-коммуникация соҳасида банд бўлган кишилардир. Microsoft корпорацияси бошлиғи Билл Гейтснинг электрон бизнесинг отаси сифатида яхши таниймиз. Шунингдек, Apple Computer фирмасининг бошлиғи Стив Жобс, Novell компаниясидан Рэй Нурда, Google компаниясидан Лэрри Пейж ва Сергей Бринлар ҳам шулар жумласидандир.

Хўш, On-line бизнес нима сиз билан кишиларни ўзига бунчалик тортишти ва унинг қандай гоғалари мавжуд? Келинг, яхшиси, фикримизни аниқ далиллар асосида давом эттирсак.

Хозирги кунда On-line бизнес (ёки электрон тадбиркорлик)нинг бир қанча турлари ва йўналишлари мавжуд. Улардан бири мавжуд аънаваный бизнесни ахборот жихатдан

ги ахборотни ўзида жамлаган корпоратив сайт яратиш.

Ушбу ҳолатда интернет даромад манбаи эмас, балки аънаваный бизнесга ёрдамчи сифатида юзага чиқади. Аммо, ахборот сайтини яратишда

тушунчалардан бири, бу компания мижозларининг асосан кимлардан иборат бўлишидир. Ушбу саволга жавобни, кўпинча, лойиҳанинг ташкилий тузилиши аниқлаб беради. Умуман, интернет орқали амалга ошириладиган электрон бизнес, унда иштирок этувчи субъектларга кўра, куйидаги турларга бўлинади:

B2B (business-to-business) – тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги бизнес;

B2C (business-to-consumer) – бевосита истеъмолчиларга йўналтирилган бизнес;

C2C (consumer-to-consumer) – кўп сонли истеъмолчилар ўртасидаги ўзаро муносабатни таъминлашга қаратилган бизнес;

C2B (consumer-to-business) – истеъмолчиларнинг тадбиркорлик субъектлари билан алоқасини таъминлашга қаратилган бизнес тизими;

B2A (business-to-administration) – хусусий компаниялар ва давлат ташкилотлари ўртасидаги битимга асосланган бизнес;

C2A (consumer-to-administration) – жисмоний шахслар ва давлат хизматлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни шакллантиришга асосланган бизнес.

Бундан ташқари, яна бир қатор бизнес кўринишлари билан боғлиқ моделлар ҳам мавжуд. Эътиборлиси, On-line бизнес интернетнинг Ўзбекистон сегментида ҳам ривож топиб бормоқда. Хозирги кунда интернетнинг “.uz” миллий доменида юқорида санаб ўтилган On-line бизнес йўналишларида фаолият кўрсатуви қўллаб-электрон тадбиркорлик сайтлари ишлаб турибди. Хусусан, www.pc.uz – Ўзбекистон компьютерлар электрон расчаси, www.shops.uz – интернет-супермаркети, www.torg.uz – электрон эълонлар доскаси, www.plati.uz – электрон тўловлар хизмати, www.webmoney.uz – “Вебпуллар” On-line ҳисоб тизими қабилар шулар жумласидандир.

On-line бизнеснинг яна бир шакли аънаваный бизнесга боғлиқ бўлмаган, соф интернет-компанияларни яратишдир. Мақсад — интернетда савдо-сотик ва хизматлар кўрсатиш орқали фойда олиш.

Интернет кибер оламида яна шундай бизнес йўналишлари ҳам борки, улар бевосита реклама ва ахборот олди-сотиқ сифати билан шуғулланади. Уларнинг мақсади лойиҳа сайтида мумкин қадар кенг ҳамда маълум мақсадга йўналтирилган таширф буюрувчилар аудиториясини шакллантириш ва бу орқали реклама берувчи-

Шарофиддин РАҲИМОВ

Образовательной сети Ziyonet два года

Два года тому назад 28 сентября было принято Постановление Президента Республики Узбекистан «О создании общественной образовательной информационной сети Ziyonet». Основной миссией Ziyonet было определено создание благоприятных условий для развития, формирования, предоставления доступа к национальным информационно-образовательным ресурсам для молодежи и образовательных учреждений, а также содействие внедрению ИКТ в образовательный процесс. Для выполнения этой миссии были сформулированы основные задачи.



Одной из задач центра является создание и развитие технологической площадки (для формирования и объединения на ней информационных образовательных ресурсов). На сегодняшний день в созданном портале имеются 4 основных раздела.

В Библиотеке портала накопилось более 4 тысяч информационно-образовательных ресурсов, в основном созданных профессорско-преподавательским составом республики (учебники, учебные пособия, тексты лекций, электронные учебники, статьи).

Они доступны для изучения и скачивания пользователями. Заполнение каталога ресурсами активно продолжается, а для этого разработана специальная программа, значительно облегчающая ввод новых ресурсов.


Каждый пользователь имеет возможность публикации своего труда на сайте, а если это произведение действительно нужно и важно, то оно найдет свое достойное место и в самом портале.

Следующей важной задачей является подключение образовательных учреждений к сети Ziyonet. Уже проведен конкурс среди провайдеров и объявлен победитель по ВУЗам. Данный конкурс проводится в целях предоставления широкого доступа к образовательной, культурно-просветительской, социально-политической и спортивной информации посредством сети Ziyonet. Подключение объектов к сети Ziyonet осуществляется при помощи подключения объектов к сети провайдера — победителя конкурса. Таким образом, образовательные учреждения, подключившись к сети провайдера — победителя будут иметь неограниченный доступ к сети Ziyonet и дополнительным услугам, предложенными провайдером-победителем.

Имея перед собой четко разработанный план работ по осуществлению задуманного, сотрудники центра общими усилиями создали по существу живой виртуальный портал, который постоянно совершенствуется, привлекает все больше и больше единомышленников. Привлечение новых единомышленников, желающих сотрудничать с Ziyonet, стало возможным после создания подотдела, занимающейся популяризацией сети и самого портала. Налаживаются отношения с различными организациями, учреждениями и отдельными личностями, которые имеют отношение к работе с СМИ, организуются интересные встречи и семинары.

По новой политике Ресурсного центра большое внимание уделяется созданию инициативных групп — ячеек Ziyonet и работе с ними. Им выделяется роль «катализаторов» развития национальных информационно-образовательных ресурсов сети Ziyonet.

Хочется надеяться, что портал Ziyonet в скором времени станет самым любимым и самым посещаемым в сети UZNET.





Новости в сфере ИКТ

РАБОЧАЯ МОБИЛЬНАЯ РЕВОЛЮЦИЯ

Половина рабочей силы Индии представляет собой людей, работающих на себя. И именно они внесли основной вклад в бум развития мобильной связи в Индии.

Повара, водители, строители и представители многих других профессий приобрели мобильные телефоны, даже не смотря на то, что их месячный доход ниже 100 долларов США.

Мобильный телефон в Индии перестал быть символом статуса и перешел в разряд необходимых вещей. Тем не менее, рынок страны еще далек от насыщения. В городах уровень номинального проникновения мобильной связи составил 25% (25 из 100 человек используют сотовые), в сельскохозяйственных же регионах и вдали от городов он составляет лишь 1,6%. А именно вдали от больших городов проживает почти 70% миллиардного населения Индии.



ОЖИДАЕТСЯ РЕЗКИЙ РОСТ ПРОДАЖ СМАРТФОНОВ

По мнению аналитической компании Strategy Analytics, в будущем году «умные» мобильные устройства станут важной составляющей выигрышной стратегии производителей мобильных телефонов. Самыми «горячими» и востребованными в 2008 году будут 3G-устройства с дополнительной поддержкой таких технологий как WLAN, GPS и HSDPA. При этом по мнению аналитиков смартфоны будут наиболее привлекательно сочетать все эти возможности.

В будущем году по прогнозу Strategy Analytics, рост продаж смартфонов составит примерно 42%. Здесь учитываются «умные» устройства с возможностью сотовой связи на базе платформ от компаний Symbian, Microsoft и Research in Motion. Кроме того, начал развиваться новый сегмент рынка с телефонами на базе платформ от самого производителя. Яркий пример такого устройства — iPhone от компании Apple. Смартфоны будут дополнительно продвигаться операторами сотовой связи, поскольку они стимулируют абонентов на более интенсивное использование услуг ориентированных на данные.

БЕСПРОВОДНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ВАЖНЫ ДЛЯ МАЛОГО БИЗНЕСА

Согласно исследованию, проведенному американской телекоммуникационной компанией AT&T, 4 из 10 (42%) владельцев предприятий малого бизнеса утверждают, что они не смогут обойтись без беспроводных технологий. И скорее всего, в ближайшее время их число значительно увеличится — 51% опрошенных признало, что они стали значительно больше полагаться на беспроводные технологии, чем 2 года назад. А 55% респондентов считают, что в ближайшие 2 года значение беспроводных технологий для их бизнеса значительно возрастет.

«Беспроводные технологии являются важнейшим инструментом, позволяющим владельцам малых предприятий поддерживать контакт с клиентами, поставщиками и персоналом», — говорит Керри Макгилливрей (Carrie MacGillivray) — старший аналитик американской компании Mobile Enterprise Network Services.

Из 41% респондентов, которые заявили, что они вполне могут заниматься бизнесом вне офиса, более половины (53%) считают, что успех их дела зависит от беспроводных технологий — таких, как мобильные телефоны и КПК. Кроме того, половина (49 процентов) считают, что беспроводные технологии дают значительное преимущество перед конкурентами. И только 16% не согласились с этим утверждением.



МОБИЛЬНИКИ «УБИВАЮТ» ЯПОНСКУЮ ПИСЬМЕННОСТЬ!

Те, кто хоть раз в своей жизни делали попытки выучить китайский или японский (или даже преуспели в этом) непонаслышке знают, насколько трудно выучить, что означает тот или иной иероглиф.



А уж о том, чтобы безошибочно воспроизвести его на бумаге, даже и думать страшно. Кстати, японская молодежь, по-видимому, придерживается того же мнения. А как иначе объяснить, что, по результатам недавних исследований, 80% молодых людей предпочитают печатать иероглифы на сотовых телефонах (уж телефон-то не ошибется в написании), а не на бумаге? Ученые-лингвисты бьют тревогу: японское «письменное» письмо (прости-те за каламбур) на грани исчезновения!

А может быть, печатные иероглифы — это только начало?

Хабар +tv

ДУШАНБА – 15 ОКТАБР

«O zhekot» телерадиоканали.
5.55 Киргулар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Тасаллонию».
8.45 «Оттин мерос»
8.50 «Онам ва одам» дастури.
«Ялғовнинг ёшайи табиати».
«Бошлар сайраган»
9.15 «Муруж ва сечган саргузилари»
Муаллижасиал.
9.35 «Широкор қабулида»
10.00 «Ватанпарвар»
11.00 «Айборт»
11.15 «Авчиқ ёлган» Т/с
11.50 «Ўртин бундаб» дастури «Биби Убайда»
12.0 «Ассалом, Ўзбекистон» Кундан дастури
12.05 «Онам ва одам» дастури.
«Экспедиция»
13.50 «Она юрт навоилари»
14.00 «Айборт»
14.15 Эски ялган.
14.30 «Қазақ уили»
Спектасл. 1-2-кунлар.
16.45 «Ўртин бундаб» дастури
«Шархитас»
17.00 «Айборт»
17.15 «Оттин мерос»
17.20 «Хайт ва кунун»
«Бошлар сайраган»
17.40 «Эртаслар – қозиллоқа етаслар»
17.55 «Минг бир ривоят»
18.00 «Турмуш шароҳадарига» Т/с
18.45 «Бир кун»
19.10 «Ўнгалар оғушда»
19.20 «Санинг аждоғатинг»
19.25 19.55, 20.55, 21.30 Эшонлар
19.30 «Айборт» (рус тилида)
20.05 «Тўш широкор»
20.15 «Авчиқ ёлган» Т/с
20.50 «Минг бир ривоят»
21.00 «Айборт»
21.40 «Оқ халатдан қора доллар»
22.00 «Кундан риптасга» Т/с
22.00 «Кундан риптасга» (SMS, SMS берилди)
23.10 «Турмуш шароҳадарига» Т/с
23.55-00.10 Тунин навоилари «Uzbekistan»
00.10 Киргулар дастури.
00.15 «Ўртин бундаб» дастури.
«Космос»
00.35 «Чемпион сайраган»
01.00 «Айборт»
01.30 «Оттин мерос»
01.40 «Қазақ уили»
Спектасл.
04.00 «Айборт»
04.45 «Оттин мерос»
04.50 «Минг бир ривоят»
04.50 «Турмуш шароҳадарига» Т/с
05.40-05.55 Телтин навоилари.



17.55 Дастуриг оқиштин.
18.00 «Давринг боила» айборт дастури.
18.10 «Кунгоқ дубодечалар»
Муаллижасиал.
18.20 «Бошлар тиббоседа»
18.25 «Тошкент – 2007» вилда ислом маданияти пайташти.
18.30 «Ялғовнинг ҳуқуқ вилдига бағдаллаиди»
«Матонат»
18.45 «UzEX хабарлари»
18.50 «Бу аиди Ватан – бараманисон!»
18.55 «Телсуғра»
19.00 «ДАВР»
19.30 «Алро тақдирлар» Т/с.
20.05 «Муслиқ алақ»
20.10 «СПОРТЛОТ»
20.30 «Раппола курастанга»
20.30 «UzEX хабарлари»
20.40 «Мангулоқа мураманган муевтидилани»
20.45 «Эйлошлар»
20.50 «Нинисоки уй» Т/с.
21.35 «SMS-муслиқ»
21.45 «Космос»
22.00 «ДАВР»

22.30 «Муслиқ муслиқ»
22.50 «Қақс» Т/с
23.50 – 23.55 «Таскил»

17.55 М/ф «Кундуз амалиқини чиқовилари»
18.05 «Телсуғра» – маркет.
18.25 «Ялғовнинг»
18.30 «Пойташт»
18.50 «Этискасар»
Телсерсиал.
19.20 «ТВ юрист»
19.25 «Муслиқ SMS»
19.50 «Саломат бринит» /рус/.
20.00 «Пойташт» /рус/.
20.15 «ТВ юрист» /рус/.
20.20 «Я не знал этого»
Науно-популярный фильм.
20.50 «Интервью» /рус/.
21.00 «Жолиба»
21.30 «Пойташт»
21.45 «Уйларига»
21.50 «Телсуғра» – маркет.
22.10 «Аид кабил»
22.30 «Пойташт» /рус/.
22.45 «Кино SMS со звездами»
23.00-00.35 Кино «Перелом»

7.00 «Болор уро»
8.00 «Таскил»
8.30 «Жини городского искусства»
Док. филалм.
9.30 «Детскини»
10.00 «Версия»
10.30 Ганбал. Мурадиди кубоги.
11.30 – 11.45 «Ори. Трафигити диконсон»
Док. филалм.

18.00 Болтал спорт.
18.20 «Тет-а-тет»
«Хабарлар (рус тилида)
18.50 «Муслиқ тайм»
19.10 «Жини менга»
20.00 «На пути к сердцу»
Серсиал.
20.45 ПроФРИНГ
21.30 «Хабарлар (рус тилида)
21.50 Футбол шароқ.
22.10 Детективный серсиал: «Метр» и перекр»
23.25 Самбо. Кубок мира.
00.05 «Тунинги оуду бўлини»

04.00 ТЕЛЕКАНАЛ «ДОБРОЕ УТРО»
08.00-10.00-14.00 НОВОСТИ
08.05 ТЕЛЕКАНАЛ «ДОБРОЕ УТРО»
08.30 ДОК. ФИЛЬМ «ДЕНЬ ИЗ ЖИЗНИ СИГАРЕТЫ»
09.30 «КОНТРОЛЬНАЯ ЗАКУПКА»
10.00 Т/С «АГЕНТ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ»
11.15 «МОДНЫЙ ПРИГОВОР»
12.25 «ДЕТЕКТИВЫ»
13.00 ДРУГЕ
13.30 «ФАБРИКА ЗВЕЗД»
14.15 «ПОНЯТЬ ПРОСТИТЬ»
14.50 «ЛОЛITA БЕЗ КОМПЛЕКСОВ»
15.55 «ФЕДЕРАЛЬНЫЙ СУДЬЯ»
17.00 ВЕЧЕРНИЕ
17.15 «ЖИИ МЕНЯ»
18.05 Т/С «ЛАТЫНИН ДЕНЬ»
19.05 Т/С «СЛЕД»
20.00 «ВРЕМЯ»
20.30 Т/С «ТАНКЕР «ТАНГО»»
21.50 СПЕЦРАССЛЕДОВАНИЕ «ПОВСДВИМЫ»
ПОСЛЕДНИЙ ШАНС»
22.35 «ФАБРИКА ЗВЕЗД»
23.10 НОЧНЫЕ
23.25 «НЕОГРАНИЧЕННЫЕ СПОСОБНОСТИ»

00.15 «ГЕНИИ И ЗЛОДЕИ»
04.45 ХУД. ФИЛЬМ «АВТОФОКУС»
02.60 «ВРЕМЯ»
02.30 ХУД. ФИЛЬМ «АВТОФОКУС»
03.05 «ДЕТЕКТИВЫ»

